# Қўрққанда айтиладиган дуо




09:35 / 29.05.2025 1304

Валид ибн Валид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бу киши: «Эй Расулуллоҳ, мен ўзимда қўрқувни ҳис қиляпман», деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Тўшагингга ётганингда:**

أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللهِ التَّامَّةِ مِنْ غَضَبِهِ وَعِقَابِهِ وَشَرِّ عِبَادِهِ وَمِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ وَأَنْ يَحْضُرُونِ

**«Аъузу бикалимаатиллаҳит таммати мин ғозобиҳи ва ъиқобиҳи ва шарри ъибадиҳи ва мин ҳамазатиш шайатийни ва ан йаҳзуруни»**, деб айт, шунда сенга бирор нарса зарар бермайди ёки яқинлаша олмайди», дедилар.

Маъноси: Аллоҳнинг мукаммал калималари билан Унинг ғазабидан, азобидан, бандаларининг ёмонлигидан, шайтон васваса қилиб, менинг

ҳузуримда ҳозир бўлишидан паноҳ тилайман.

*Ибн Сунний ривояти.*

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***

***Таржимон Анвар Аҳмад***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.